

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 5 октябрь. Шанба №83 (945) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА — БАРҚАРОР ЖАМИЯТ ГАРОВИ

Президентимиз Исрол Каримовнинг «Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» номли асарида: «Маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга кўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ», деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, оила юксак инсоний қадриятлар ва фазилатлар ҳамда энг яхши анъаналарни ўзида мужассам этгани туфайли доимо эъзозланади. Ўзбек оиласи ана шундай маънавий қадриятлар асосига қурилган учун ҳам дунё халқларининг ҳавасини уйғотмоқда.

Халқимиз минг йиллардан буён оилани муқаддас, деб билади. Замонлар ўтиб, аҳоли турмуш тарзи, қадриятлари ўзгаришда, жамиятда оиланинг мавқеи, аҳамияти ошмасдики, асло камайгани йўқ. Айниқса, истиқлол боис у янада тақомиллашди, тараққий топди. Зеро, ватанпарварлик, бурчга садоқат, қатъият, кичикка иззат каби олжанов фазилатлар, аввало, оилада шаклланади.

Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, шу асосда давлат дастурлари ишлаб чиқилаётгани, ва, албатта, ушбу дастурларда оилалар фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга молик. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида бу йўналишда белгиланган кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татиқ эртишда кўшлаб давлат ва жамоат ташкилотлари қатори «Маҳалла» хайрия

жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳам масъулиятли вазифалар топширилаётгани тизимга билдирилаётган ишончининг амалдаги ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида янада бойитиш, чуқур билими, касб малакаси шакланган маънавий ва жисмоний соғлом авлоднинг вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни тизимли ташкил қилиш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш, оилалар осойишталигини сақлаш, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қариялар, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам бериш каби хайрий ишлар адолат мезонлари асосида амалга ошириб келинмоқда. Бу эса, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтириш билан бирга, фуқароларнинг маҳаллага бўлган ишончини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

> [2]

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

ЯШИЛ МАЙДОН ЮЛДУЗЛАРИ МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазиликлари, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» анъанавий республика турнири маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида футболни янада оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Турнирнинг мазмун-моҳияти тобора бойиб, кўлами йил сайин кенгаймоқда. Жорий йили мусобақанинг қуйи босқичларида бир миллиондан ортиқ бола иштирок этгани ҳам ушбу фикрни тасдиқ-

лайди. Обод турмуш йилида 8539 та фуқаролар йиғинида ўтказилган анъанавий турнирнинг дастлабки босқичларида 2012 йилга нисбатан иштирок этган болалар сони 1,7 фоизга, аниқроқ айтган-

да 16 922 нафарга кўпайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мусобақа қуйи босқич ўйинларининг барчаси маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда замонавий футбол майдонларида ўтказилгани мамлакатимизда болалар спортга қўрсатилаётган юксак эътибордан нишона. Қолаверса, ҳар бир ўйинни Ўзбекистон Футбол федерациясининг олий лига ҳакамлари бошқаргани турнир аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди.

> [4]

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ТАЪСИРЧАН ТИЗИМ



Ўза сурати.

Ёш авлод таълим-тарбиясига барча даврларда ҳам энг муҳим ва долзарб масалалардан бири сифатида қаралган. Айниқса, фарзанд одоб-ахлоқи, билим даражаси учун, аввало, оила, қолаверса, маҳалла ҳам бирдек жон куйдирган.

Буюк келажак барпо этиш йўлини танлаган овоз ва обод Ўзбекистонимизда эса ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Утган йилгирми икки йил ичида таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинди.

Бугун юртимиздаги исталган ўқув даргоҳига кирсангиз, кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув қуроллари ва жиҳозлари, электрон-техника воситаларини қуриб, кўнгилнинг фахр-ифтихорга тўлади. Уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимининг яратилгани ва фаолияти самарали йўлга қўйилгани эса ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Зеро, кейинги йилларда мамлакатимиз ёшларининг илм-фан ва спорт соҳаларида жаҳон миқёсида эришаётган муваффақиятлари бунинг ёрқин далилидир.

— Фидойи ўқитувчиларимизнинг хизмати муносиб рағбатлантирилаётгани, меҳнатлари юксак эътирофга сазовор бўлаётгани бизни янада руҳлантирмоқда. Касб байрами арафасида муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон уқи-

тувчи ва мураббийларига йўллаган табриклари барчамизни беҳад қувонтирди, — дейди Чуст тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими mudiri Баҳодир Сотимов. — Айниқса, Юртбошимизнинг «Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юрталарида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қўдратли кучни кўрагимиз ва юксак баҳолаймиз», деган эътирофлари соҳа ходимларига янги куч, ғайрат-шижоат бахш этди. Шу билан бирга, табриқдан сўнг олдимизга янги вазифалар, режалар қўйдик. Бунда маҳалла ва оила билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлашни, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини изчил давом эттиришни бош мақсад қилганмиз.

> [2]

БҲҲҲҲҲҲҲ ГАП

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ — МУШТАРАК МАҚСАДИМИЗ

Юраги уриб турган инсон борки, бу ёруғ оламда тинч-тотуви яшаб бахт ва саодатга етишни, фарзандлар қамолини кўришни орзу қилади. Аммо бу ниятларга осонликча эришилмайди. Бунинг учун ҳамиша огоҳ бўлиш, тинчликнинг қадрига етиш, осойишталикни ҳимоя қилиш талаб этилади.

Бугун юртимизга ташриф буруратган хорижий давлатлар вакиллари, меҳмон сайёҳлар мустақил Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги бу — юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, турли миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқлиги, дўст-қардонлиги, бир-бирига қўрсатиётган ҳурмат-эҳтироми эканини алоҳида эътироф этмоқда. Дунё таловитини билган вазибалар, режалар кўйдик. Бунда маҳалла ва оила билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлашни, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини изчил давом эттиришни бош мақсад қилганмиз.

Утган 22 йил давомида Ўзбекистон эришган ютуқларни, тараққиётнинг «ўзбек модели» ни бугун дунё эътироф этмоқда. Аммо ана шу бахтимизни, мустақиллигимизни, тинчлигимизни қўрқмайди ҳақда, галямис кимсалар ҳам йўқ эмас. Шу боис муҳтарам Юртбошимиз бизни ҳамиша огоҳликка, ўз Ва-

танамизни, тинчлигимизни кўз қорачиғидек асрашга чақирадилар. Жумладан, Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида шу нуқтаи назардан фикр билдириб, омма эътиборини Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратди ва бу борада олиб борилаётган жиддий чоратadbirlar хусусида сўз юритди. Давлатимиз раҳбарининг ана шу интервьюсини ўз ичига олган ҳамда ўзбек ва инглиз тилларида chop этилган «Ўзбек халқида тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида қизиқиш билан ўрганилиб, муҳокама қилинаётгани бежиз эмас.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ВАКОЛАТЛАР ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида асосий олтита устувор йўналиш қаторида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш борасида қонунчилик ташаббусларининг илгари сурилгани бу борадаги саяёҳаракатларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)

ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари янги тахрирда ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, янги тахрирдаги қонунлар бир

қанча жиҳатларига қўра аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Қуйида янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига алоҳида тўхтамоқчимиз.

Илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятта молик 30 дан зиёд вазифа бугун бевосита маҳалалар зиммасида. Янги тахрирдаги қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари янада кенгайтирилганидир. Хуш, бу ваколатлар нималардан иборат? Умуман, қонунда қандай ваколатлар хусусида сўз боради?



[2]

Қонуннинг II боби «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари» деб номланган. Унда шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари, фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари ҳамда фуқаролар йиғини раис-

сининг ваколатлари ўз ифодасини топган.

Хусусан, қонунчилик техникасига мувофиқ, 11-моддадаги биринчи қисм тахририй ўзгаришлар билан иккинчи қисм сифатида баён этилди. Янги тахрирдаги Қонунда тақрорланишларни баргараф этиш мақсадида ҳисоботларни эшитиш ҳақидаги нормалар барча ҳисобот берувчиларга тегишли алоҳида хатбошига ажратилган.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юрт равоқи йўлида олиб борилаётган барча эзгу ишларда фаол иштирок этаётир. Бунинг учун маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йиғин фаолларининг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароит яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими ва туман (шаҳар) бўлими томонидан ҳам ушбу йўналишда катор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мавқияда 21 та бино фуқаролар йиғинлари балансида ўтказиб берилди. 239 та бинони таъмирлаш учун ҳамиларнинг 589,5 млн. сўм маблағи сарфланди. Фонд бўлими томонидан вилоятдаги мавжуд 608 та фуқаролар йиғинидан 284 тасини компютер жамланмаси ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминлаш бўйича икки босқичли режа ишлаб чиқилди.

Биринчи босқичда май-июль ойларида Наврўз умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағлар ҳисобидан 171 та фуқаролар йиғинига 96 та компютер жамланмаси, 511 дона стол, 2116 дона стул, 532 дона китоб жавони олиб берилди.

Иккинчи босқичда эса сентябрь-декабрь ойларида Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилган ҳашардан тушган маблағлар ҳисобидан 143 та маҳаллани 100 та компютер жамланмаси, 487 дона стол, 1688 дона стул, 433 дона китоб жавони билан таъминлаш учун жами 604 млн. 307 минг сўм маблағ йўналтириш режалаштирилди.

Ушбу режага фуқаролар йиғинлари биносини капитал таъмирлаш ҳам киритилган. Биринчи босқич режасида 9 та фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирланиб, бунинг учун 51,4 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, Богот ва Хонқа туманларида биттадан фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш учун 13,1 миллион сўм маблағ харжланди.

Хонқа тумани Олажа қишлоғидаги «Ойдин ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги барпо этилган биносига Фондининг вилоят бўлими томонидан 13 млн. сўмлик, Хонқа туман бўлимининг томонидан эса 4,5 млн. сўмлик мебель жиҳозлари олиб берилди. Аини пайтда режанинг иккинчи босқичини амалга ошириш юзасидан чоратadbirlar белгиланиб, ижроси таъминланаётир.

Қурбонбой ДҮСМАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА — БАРҚАРОР ЖАМИЯТ ГАРОВИ



ЎзА сурати.

ҳалаларда 10 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уларда 140 минг нафарга яқин аҳолининг иштироки таъминланди.

Фонднинг бўлим ва бўлинмалари томонидан аҳолининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган 300 мингта яқин тадбирни ташкил этишда маҳаллаларга услубий-амалий ёрдамлар курсатилади.

— Йиғинимизда 760 та оила тинч-тотув истиқомат қилмоқда, — дейди пойтахтнинг Юнусобод тумани «Бободехқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Эрғашев. — Оилаларни мустаҳкамлаш, уларга ҳар турли моддий-маънавий ёрдам курсатиш фаолиятининг асосини ташкил этади. Айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжман оилаларни ижтимоий ҳимоялашда адолат мезонларига таяниб иш қурамиз. Жорий йил бошида 31 та эҳтиёжман оила мавжуд эди. Курсатилган эътибор ва гамхурилик боис айни пайтда улар 22 тани ташкил этади. Ёш оилаларни муросага келтиришда маҳалладеҳ саҳийатга эга тузилма йўқ. Сабаби, келин-кеўғ ота-онаси ёки қайнона-қайноғасига айтолмайди гапларни йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзоларига айта олади. Шу боис йиғинимиз ҳушудаги оилаларнинг ҳам таяничи, ҳам сунъига айланган.

Эзулик йўлда амалга оширилган ишлар бесамар кетмайди. Айниқса, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва мато-

нати, ҳаётий тажрибаси билан ёш авлодга маслаҳатлۇй бўлаётган пиру бадавлат отахонларимизнинг тавсиялари фарзандлар учун доимо қадриlidir. Юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви» тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 мингта яқин маҳаллада умуман жиноят содир этилмади.

Матбуот анжуманида маҳаллалар томонидан оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, фарзанд тарбиясида «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида изчил ишлар амалга оширилатгани аниқ мисоллар орқали айтиб ўтилди.

Тадбирда жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларнинг бардавломлигини таъминлашда маҳалла ва оила институтининг ҳамкорлиги самаралари, оиладан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий қадриятларни яраш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллалар томонидан амалга оширилатгани чора-тадбирлар кўламининг янада кенгайтирилиши борасида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Анжуман сунггида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофдаги жавоб олдилар.

Тадбирда «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Ахмедов иштирок этади.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

БУГУННИНГ ГАПИ

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ — МУШТАРАК МАҚСАДИМИЗ



ЎзА сурати.

< [1]

— Президентимиз таъкидлаганилардек, Афғонистондаги мавжуд ута оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик урнатмисига кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш кетилиши билан Афғонистонда узаро қарама-қарши кучлар уртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-ярғоч савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низошларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиши хавфи ортади, — дейди «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Навоий вилояти Томди тумани бўлини раиси Сафарбой Изте-леуов. — Ҳозирдан аёнки, бундай ҳолат Афғонистон атрофидаги мамлакатлар ҳудудидан ҳам кескинлик ва катта муаммолар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Узбекистоннинг Афғонистон ма-саасида олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ: давлатимиз қўшни юртининг ички ишларига аралашмаслик, мазкур мамлакатга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, алоқа ва ҳамкорликни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукумати қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундан ёндашув, бундай позиция мамлакатимиз қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилган. Биз кимнинг-дир «уйин»ларига қўшиламаслик, қўшнилари билан тинч-осойишта яшаш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш сиёсатини англаб етишимиз, фуқаро-ларга буни тўғри тушутишимиз шарт. Шундан келиб чиқиб, мавжуд 7 та овул фуқаролар йиғинининг ҳаммасида тинчликни мустаҳкамлаш, огоҳликка чорлаш мақсадида тадбирлар режа-дасури тузилган.

Жойларда ҳуқуқни муҳофазат қи-лувчи идоралар ходимлари билан би-ргаликда диний экстремизм ва тер-роризмга қарши кураш, маънавий таҳдидларнинг оддини олиш мавзу-ларига тадбирлар ташкил этилди. Туман мудоффа ишлари бўлими ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти би-лан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшларда ҳарбий ватанпарварлик ру-

ҳини янада кучайтириш бўйича иш-лар олиб бориляпти. Доимий огоҳ-лигимиз туфайли турли миллат ва-киллари ўзбара аҳил-иноқ яшаётган ҳудудимиз тобора ривожланмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йиллари-да Қизилқум кенгликларидаги бу ҳудуд бутунлай янгича қиёфа касб-этни — замонавий инфра-муассаси-мага эга Янги Томди бунёд этилди. Мухташам бинолар, намунавий лойиҳа асосидаги кўркем уй-жой-лар барпо этилётганидан кескаю-ёш мамун. Йил бошида 5 та оила «Роҳат» массивидаги шундай уй-жойга кўчиб ўтган бўлса, Мустақиллик байрами арафасида «Сариқ» массивидаги 50 та уйнинг қалнети ўз эгаларига топшириди. Туман марказида давлат солиқ ин-спекцияси ва почта-алоқа бўлими-ларининг янги биносини қуриб битка-зилди. Кериз овул фуқаролар йи-гинида эса замонавий спорт маж-муаси барпо этилди.

— Турмуш даражасининг ўсши одамларнинг ҳаётга муносабатини ижобий томонга ўзгартириш, улар-нинг яхши яшашга бўлган иштиғи-ки ва интилишини орғитишда, — дея суҳбатимизни давом эттиради бўлима раиси. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари кўпайиб, иқтисодиёт ривожла-ди, фаровонликка омили бўлаётди.

Байрамларда ва кўтгул саналарда халқимизнинг ўлмас анъанасига ай-ланган меҳр-оқибат, хайр-саховат тадбирларини амалга оширишда тадбиркорларимиз доимий ҳамкор-лик қилишмоқда.

Яна шунинг таъкидлаш лозимки, инсон манфаатларини ҳимоялаш, аҳоли турмуш даражасини юксал-тириш учун қилинаётган сай-ҳара-катлар ҳам фуқароларнинг тинчлик ва мустақиллик қадрини теран ҳис қилишига замин яратмоқда. «Том-ди Сако» МЧЖ ва тадбиркорлар ҳомилигида 30 та кам таъминлан-ган оиланинг ҳар бирига 300 минг сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 12 та шундай оиланинг фарзандларига кийим-кечаклар сов-га қилинди. Ҳамжиҳатикда таш-кил этилган бу каби хайрли амал-лар одамлар уртасидаги ўзаро меҳр-оқибатни кучайтириш, дўст-лик ришталарини мустаҳкамламоқда.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ТАЪСИРЧАН ТИЗИМ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Дарҳақиқат, Чуст тумани-даги Қорақўрғон шаҳарчасида жойлашган 32-умумтаълим мактабига чақирилган ота-она-лар йиғилиши бу сафар ода-тидаги бешафта ўтди. Яъни фуқаролар йиғини ҳамда мак-таб маъмурияти ҳамкорлиги-да ташкил этилган ушбу маж-лиса, асосан, мактаб ва колле-жлардаги дарс жараёнлари-га мунтазам равишда қатна-ш-

майдиغان, тарбияси оғир фар-зандларнинг ота-оналари тақ-лиф этилдилар.

Йиғин раиси Зарифжон Хи-диров ҳудуддаги оила бошқис-ларига таълим муассасаларида-ги давоматни яхшилаш, ўқув-чиларнинг дарсларни ўзлашти-ришлари, келажакда нуфузли олийгоҳларда ўқиниш давом эт-тиришлари нафақат оиланинг, энг аввало, маҳалланинг, қола-верса, жамиятнинг манфаати эканини тушунтирди. Шу кун-

га даврада ачиқ, аммо очиқ га-плар кўп бўлди. Сўзга чиқ-қан ўқитувчилар айрим оил-лар фарзандларининг ноҳу-жа хатти-ҳаракатлари, билим оли-шига бефарқликлари ҳақида аниқ мисоллар келтириб, бу ма-салага кўпчиликнинг эътибори-ни қаратиш лозимлигини таъ-кидладилар. Хулоса шу бўлди-ки, ёш авлод таълим-тарбияси нафақат оила ва мактаб, балки кўни-қўшни, фаоллар, қолавер-са, маҳалла зиммасидаги асо-сий вазифа, муқаддас бурч ҳисобланади.

Мазкур тадбирдан сўнг фу-қаролар йиғинида яшовчи бар-ча оилалар ўз фарзандларининг мактаб ҳамда касб-хўнар колле-жларидаги давоматини юз-фузи таъминлашга ваъда бер-дилар, — дейди «Маҳалла» ҳай-рия жамоат фонди Чуст тумани бўлини раиси мутахассиси Насиба Ҳакимова. — Уму-ман олганда, туманимизда 70 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият курсатаётган бўлса, уларнинг барчасида «оила — маҳалла — таълим муассасаси» лойиҳаси таълим муассасаси-ла ёрдамчи тизими самарали йўлга қўйилган. Бунда, айниқ-

са, фаоллар, фахрий педагог-лардан иборат ишчи гуруҳла-рни яқин кўмакчимиз, таяни-чимизга айланган.

Жорий йил бошидан буён маҳаллаларда айнан шу йўна-лишда қўллаб-қувватлаш иш-лари қилинди. Хусусан, болалари мактабга таълим муассасаси-га қатнайдиган ота-оналар иш-тирокида «Фарзанд тарбияси да ота-оналарнинг ўрни» мав-зусида 50 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказил-ди. «Бир болага етти қўшни ота-она» шиори остида 70 дан зиёд тарғибот-тушунтириш иш-лари олиб борилди. Ушбу тад-бирларда, асосан, таълим му-ассасалари ҳамда фуқаролар йиғини томонидан шу йўна-лишда иш олиб бориш лозим, деб топилган 2750 нафар ота-она ҳамда 1897 нафар вояга ет-маган ёш қамраб олинди.

Ҳар томонлама барқамол авлодини тарбиялашдек эзгу мақсад гоёси сингдирилган «оила — маҳалла — таълим му-ассасаси» ҳамкорлиги тизими доирасида амалга ошири-лаётган бу каби тадбирларда вояга етмаганлар дунёқарашини

ни шакллантириш, уларда Ва-ларга садоқат, азалий қадрият-ларга ҳурмат руҳини кучайти-риш, бой маънавий меросимиз-нинг миллий урф-одаглар, халқ оғзаки ижодиёти намуналари орқали онгига сингдириб бо-ришга алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Шу боис бу ишлар-га маҳалла фаоллари қатори, тегишли соҳа мутахассислари, зиёдалар, психологларнинг ҳам кенг жалб этилмоқда. Айниқ-са, фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» доимий ҳамко-римиз, маслақдошимиздир.

Дарҳақиқат, бутунги кунда туманда 69 та мактаб, 10 та урта махсус касб-хўнар колле-жи ҳамда академик лицей мав-жуд бўлиб, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкор-лигини янада кучайтиришга ушбу билим даргоҳлари мута-садилари томонидан чуқур ёндашилмоқда. Бундан бевоси-та туман ҳокимиятининг бош-қош бўлаётгани эса фаолият са-марадорлигини таъминляяпти.

Илҳомжон РАХМАТОВ «Mahalla»

КўЧЛИ ДАВЛАТДАН — КўЧЛИ Фуқаролик жамияти сари

ВАКОЛАТЛАР ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

< [1]

Маълумки, давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда ша-ҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фу-қаролар йиғини аҳолига яқиндан ёрдам беради. Ўз навбатида, дав-лат органлари ҳам фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари фаолиятини амалга ошири-ши учун зарур шароит яратди, қонун ҳужжатлари билан берил-ган ваколатларни амалга оши-ришда уларга кўмаклашди. Шу туфайли йиғинлар ўз ҳудудлари-даги ижтимоий ва ҳужалик ва-зифаларини ҳал қилиш учун аҳолини уюштирадиган идора си-фатида тан олинган.

Қонуннинг 18-моддасида фу-қаролар йиғини туғрисидаги ни-зомлارни тасдиқлаш ҳақидаги норма назарда тутилгани боис 11-моддadan бу борадаги норма-лар чиқариб ташланди. Шунинг-дек, мазкур моддада тахририй тузатишлар киритилиши билан бирга, 6-модда биринчи қисми-га мувофиқ, ягона атамалар ҳам қўлланилди.

Фуқаролар йиғини ваколат-

лари нормаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган ма-ҳалла аҳолини манзили иж-тимоий қўллаб-қувватлаш марка-зига айлантириш бўйича вази-фалардан келиб чиққан ҳолда тулдирилади. Унга асосан, фуқ-аролар йиғини «аҳолининг ижти-моий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадда марказлаштирил-ган тарзда ажратиладиган дав-лат маблағларидан қонун ҳуж-жатларига белгиланган тартиб-да мақсадли ва самарали фой-даланилишини таъминлайди».

Бундан ташқари, «Маҳалла-посбони» жамоатчилик тузилма-си раҳбари, фуқаролар йиғини-нинг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалала-ри бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитиш шарти-лини мустаҳкамлаш орқали улар-нинг масъулиятини ҳамда фуқ-аролар йиғини мавқеини ошириш мақсадида Қонуннинг 11-мод-да-си алоҳида баңд билан тулди-

рилади. Унга қўра, «ҳар чорақда фуқаролар йиғини раиси (оқсо-қоли) ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолияти-нинг асосий йўналишлари бўй-ича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, «Маҳал-ла посбони» жамоатчилик тузил-маси раҳбари, фуқаролар йиғи-нининг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалала-ри бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитиш».

Сир эмас, демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-волантиришнинг бутунги бос-қичида жамоат бирлашмалари-нинг роли орттиб борапти. Шу маънода улар демократик қа-дриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркин-ликлари ҳамда қонуний ман-субатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилли сифатида майдон-га чиқайпти. Концепцияда бел-гиланган яна бир йўналиш — давлат бошқаруви органлари фа-олияти устидан жамоатчилик на-зорати тизимида маҳалланинг функцияларини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик, жумла-дан, оилавий тадбиркорлик ва

хўнарманчиликни ривожланти-ришга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинининг кичик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этишда йи-гинлар ваколатларини кенгайти-риш вазифаларидан келиб чиқ-қан ҳолда 11-модда янги баңд билан тулдирилади. Жумладан, «тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш таш-килотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовли-лар ва уйлари атрофидаги ҳу-дудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойда-ланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назорати-ни амалга оширади».

Қонуннинг 13-моддасида фу-қаролар йиғини кенгашининг ва-зирати тизимида маҳалланинг функцияларини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик, жумла-дан, оилавий тадбиркорлик ва

тахрирдаги қонунда бу мав-зу хулмика барҳам берилади. Жум-ладан, 13-модданинг иккинчи баңди «Фуқаролар йиғини кен-гаши таркибига фуқаролар йи-гинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, масъу-лалари билан тулдирилади».

Кенгаш ваколатлари ҳақида сўз кетганда, Қонундаги яна бир ўзгаришга тўхтамасликнинг иложи йўқ. Гап шундаки, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш-га доир қўшимча чора-тадбир-лар туғрисида»даги Фармонида белгиланган вазифаларни сама-рали амалга ошириш мақсади-да, шунингдек, «Оила йили» Дав-лат таъминоти тегишли бўли-мига мувофиқ қўшимча кири-тилди. Жумладан, Қонуннинг 12-моддаси «давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотариот ташкилот-

лари ва бошқа ташкилотлар би-лан биргаликда кам таъминлан-ган оилалардан булган ёшларга, шу жумладан, уларга ниқоҳ ту-зишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади; тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаёт-ган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъект-лари томонидан кредитлар оли-нишида белгиланган тартибда кафила бўлади» деган жумлалар билан тулдирилади.

Янги тахрирдаги Қонуннинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига дохилдор моддалари Фуқаролик ва Жиноят-ижроия кодексларига, «Географик объектларнинг ном-лари туғрисида»ги, «Деҳқон ҳужалиги туғрисида»ги, «Муҳо-фаза этиладиган табиий ҳудуд-лар туғрисида»ги, «Дафн этиш ва дафн иши туғрисида»ги, «Уму-мий ҳарбий мажбурият ва ҳар-бий хизмат туғрисида»ги қону-нларнинг дахлдор моддалари ҳамда Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегиш-ли қарорларига мувофиқ тулди-

рилади. Қонунчилик техникасида келиб чиққан ҳолда, давр талаб-лариға мос келмайдиган, ўз дол-зарблигини йўқотган айрим баңд-лар чиқариб ташланди.

Бир сўз билан айтганда, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри туғрисида»ги Ўзбекистон Фе-дерациясининг қонун фуқаро-лар ўзини ўзи бошқариш орган-ларининг аниқ йўналтирилган асосида аҳолини ижтимоий қў-ллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик, айниқса, оилавий тадбир-корлик ва хўнарманчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фа-олияти устидан жамоатчилик на-зорати олиб бориш соҳасидаги ваколат ва вазифаларини ке-нгайтиришни, бошқача айтганда, бетакрор ва ноёб бошқарув ти-зими фаолиятини такомиллаш-тиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шавкат ЖОНИҚУЛОВ, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

ЯШИЛ МАЙДОН ЮЛДУЗЛАРИ МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

2012 йилда 15,8 млн.сўм маблағ сарфлангани диққатга сазовордир. Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида мазкур турнирнинг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Шу ўринда айтиш керакки, бу таги турнирнинг финал босқичи ниҳоятда қизиқарли бўлиб, унда уч ёш тоифасида — 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил болалардан иборат жамоалар ўзaro куч синашди.

— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, усб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга доимий эътибор қаратишмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси А.Азизов. — Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий болалар спорт мажмуаларида ўғил-қизларнинг жисмоний тарбияси ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Мазкур турнир ана шундай маҳалла майдончаларида футбол ўйнаётган умидли ва иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнади. Бунинг яқини самараси сифатида ўзбек футболнинг жаҳонда тобора юқори натижаларни қўлга киритаётганини мисол қилиб келтириш мумкин. Негаки, яшил майдон юлдузлари айнан маҳаллалардаги мана шундай турнир иштирокчиси ва кашфиётдир.

Турнирда илк мартаба иштирок этдим, — дейди финал босқичида Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалласи шарафини ҳимоя қилган А.Назаров. — Ушбу мусобақанинг барча босқичлари ҳалол ва холисона бўлиб ўтгани, юқори савияда ташкил этилгани бизга руҳий мадад берди. Бу эса бизни келажақда моҳир футболчи бўлишга ундайди. Ахир, бутунги ўзбек футболнинг ёрқин юлдузлари ҳам «Футболимиз келажаги» турнирининг кашфиётлари десак, муболага бўлмади.

Дарҳақиқат, яқиндагина маҳалладаги спорт майдончасида тўп сурган ўнлаб истеъодлар турнир боис эл назарига тушмоқда. Буни жорий йил баҳслари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Моҳирона ўйинлари билан «Футболимиз келажаги — 2013» турнирига фойз киритган бутунги ёшлар орасидан келажақда юртимиз шарафини халқоро чемпионатларда муносиб ҳимоя қила оладиган «юлдуз»лар чиқиши тайин.

«Футболимиз келажаги» аънаний турнирининг якунидаги тантанали маросимда голиб ва иштирокчиларига ташкилотчиларнинг кубок, медаль, диплом ва эсдалик совгалари топширилади.

Дилдора ҚАРИШИБОЕВА «Mahalla»



Инқироз панд берди

Мамлакатда давом этаётган бюджет инқирози туфайли АҚШ президенти Барак Обама Бали ороли (Индонезия)да ўтадиган Осийё-Тинч океани иқтисодий ҳамдўстлиги саммитида қатнашмайдиган бўлди.



Оқ уй матбуот хизмати баёнотида айтилишича, президент ҳукумати ишининг тўхтагани учун хорижга сафар қила олмайди.

У АҚШда қолиб, давлат ташкилотларининг меърида ишлагани таъминлаш имконини берадиган бюджетни қабул қилиш борасида конгрессмен-республикачилар билан мунозараларини давом эттирди. Холбуки, бугун Барак Обаманинг Осийёнинг тўрт давлати — Малайзия, Филиппин, Бруней ва Индонезияга ташрифи кутилган. Энди унинг ўрнига АҚШ делегациясига давлат котиби Жон Керри раҳбарлик қилади.

Чораклик даромадлари чаккимас

Жанубий Корейнинг «Samsung Electronics» корпорацияси жорий йилнинг 3-чорагини ўз тарихидаги рекорд фойда билан якунлади.



Бундан бир йил илгари ҳам «қўнға қитъа»да ўтказилган шунга ўхшаш тажрибадан 12 нафар кўнғили икки гуруҳга бўлинган, улардан бирига масалани ечишдан олдин кўк чой берилган. Ушунга таъкид қилиш керакки, шундан кўк чой берилган. Шундан сўнг қатнашчиларга масалани ечиш таъкиф қилинган. Мазкур жараёнда бош

10,1 триллион вон (9,4 миллиард доллар)ни ташкил этган. Бу ўтган чоракдаги натижадан 25 фоиз кўпдир. Даромаднинг асосий қисми компьютер чиплари хотираси баҳосининг қимматлашуви билан боғлиқ. Компаниянинг ярим ўтказкичлар ҳамда мобил қурилмалари тайёрловчи бўлинмалари иши ҳам унумли бўлган. Гарчи смартфонлар савдоси анча секинлашган бўлса-да, мобил телефонлар савдосидан келаётган тушум, худди илгариғидек, даромаднинг учдан икки қисmini ташкил қилган.

Кўк чой ичинг, эркаклар!

Нидерландиялик олимларнинг илмий хулосаларига кўра, кўк чой туфайли эркаклар миясининг ақлий фаоллиги янада ортади.



Тажрибада 44 нафар кўнғили эркак иштирок этган. Тадқиқот жараёнда уларга бир финжондан кўк чой берилган. Шундан сўнг қатнашчиларга масалани ечиш таъкиф қилинган. Мазкур жараёнда бош

миянинг фаоллиги махсус қурилмалар ёрдамида ўлчанган. Кўк чой ичганлар ахборотни яхшироқ қабул қилган ва эслаб қолганлар. Бундан бир йил илгари ҳам «қўнға қитъа»да ўтказилган шунга ўхшаш тажрибадан 12 нафар кўнғили икки гуруҳга бўлинган, улардан бирига масалани ечишдан олдин кўк чой берилган. Ушунга таъкид қилиш керакки, шундан кўк чой берилган. Шундан сўнг қатнашчиларга масалани ечиш таъкиф қилинган. Мазкур жараёнда бош

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ХОТИРА

УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ...

Ҳар йили аънаний тарзда нишонланадиган ўқитувчи ва мураббийлар байрами бу сафар ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ўқувчилар айни дамда сабоқ бераётган муаллимларидан ташқари, мархум устозларини ҳам ёдга олиб, хонадонларига ташриф буюришди.

Юнусобод туманидаги Фирдавсий номи маҳаллада яшаб, ижод қилган мўтабар зот — Мажидхон ота Маҳдумнинг шоғирдлари ҳам устоз номини ёд этиб, унинг уйида жамулам бўлдилар.

Мажидхон ота ўз фаолиятини 1921 йилда бошлаган бўлиб, шоғирдларининг комил инсон сифатида улгайиши учун бутун умрини бағишлаган. Дастлаб мактабда хорижий тилдан, кейинчалик Тошкент қишлоқ ҳужалиги институтида тупроқшунослик фанидан сабоқ берган. Шу йўналишда илмий иш олиб борган.

Илм чегара билмас, деганларидек, устоз ҳам изланишдан тўхтамади. Айниқса, хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқи сабаб, кўплаб китобларни мутулаа қилди. Олган билимлари, тажрибаларини тўплаб, форс ва араб тилларида ўқув-қўланмалар яратди. Ҳозирги пайтда улар олий таълим муассасалари дарсликларидан ўрин олган.

Мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда ўқитувчи кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало, таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун, қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодаларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот — ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатларини ҳурмат билан тилга оламиз». Дарҳақиқат, устозлар қолдирган мерос юрт истиқболли, фарзандлар камолтини таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Мажидхон ота Маҳдум Ўзбекистон Миллий университетининг Шарқ тиллари факультетида араб филологиясини ташкил этиб, бир неча йиллар самарали фаолият олиб борди. У кишидан таълим олган ўқувчилар айни кунларда

ижтимоий ҳаётнинг турли жаҳалларида меҳнат қилишмоқда. — Ўқитувчилик машаққатли, айни пайтда, саховатга йўрилган касбдир, — дейди устознинг қизи Рашидаҳон Баҳодирова. — Бу касб соҳиблари ҳар доим ўқувчилар, ота-оналар билан бирга, Дадамнинг шоғирдлари деярли ҳар кун китоб кўтариб, эшитгимиз оҳида бўлган. Мен ҳам улардан таълим олганман. Фарзандига эмас, ўқувчисига қарагандек дарс ўтардилар. Уларнинг ўзига хос йўналишлари, услублари бор эди. Талабаларга матбуотга ўқиш билан бирга, амалий дарслар ҳам берадилар. Бошқа факультет талабалари билан тез-тез бешлашувлар уюштириларди. Музейларга, кутубхоналарга, тарихий қадамжоларга саёҳат қилардик. Хуллас, олийгоҳдаги барча талабаю ҳамкасблари дадамнинг услубларини қўллаб-қувватлашарди.

Уларга ҳавас қилиб, мураббий бўлишни орзу қилган пайтларим дадам: «Ўқитувчилик шундай касбки, унда таълимга чиқиш, ўз соғлиги, кайфиятига қараб ишлаш, ўргатишдан чарчаш ёки зеркишиш деган тушунча йўқ. Мураббий йўлда ҳам, уйда ҳам, барча фаслда ҳам, умрининг охиригача иш устида. Ўқитувчилик фидоийлик дегандир. Муаллимнинг юзидан, кўзидан меҳр нури таралиб туриши керак» дердилар.

Ҳа, ўқитувчилик касбини танлаган инсон ҳар бир қадам — ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатларини ҳурмат билан тилга оламиз». Дарҳақиқат, устозлар қолдирган мерос юрт истиқболли, фарзандлар камолтини таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Равно ҲАСАНОВА.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

ЖИГАРПОРАСИНИ ПУЛЛАГАН АЁЛ

Инсон ўз фарзандини сотиши мумкинми? «Йўқ-э!», «Наҳотки!», «Бўлмаган гап!» дея хулоса чиқаришга шошилманг. Афсуски, инсонийлик рубчасига иснод тушираётган ана шундай кимсалар, оё бўлса-да, ҳаётда учраб туради.

Бундай каслар: «Билмасдан шайтоннинг йўриғига юрибман...», деган важ билан гуноҳларини ўзларидан соқит қилишга уринишлари, қилмишларини бемаъни-бетутруқ баҳоналар билан хаспўшашлари ортиқча.

Туққиз ой вужудда кўтариб, не бир азоблар билан дунёга келтирилган жигарпорасини пуллаган аёлни-чи, уни ким деб аташ керак? Бу ҳаракати билан у «она» деган муқаддас номга иснод келтирмади? Қуйидаги воқеа баёнидан аввал ана шу каби оғриқли саволлар гирдобига қолдик.

...Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Жаънонат Қидирув ва терроризмга қарши курашши бош бошқармаси ходимлари бола савдоси билан боғлиқ жиноятни фож этишти.

Олиб берилган тезкор тадбирлар натижасида Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган тамаддиҳоналардан бирида Хадича исми (исмлар ўзгартириб берилмоқда — муаллиф изоҳи) аёл ўзининг бир неча кунлик чақалогини сотаётганида кўлга олинди. Гап шундаки, олдидан белгиланган бу жойда харидор С.Ҳасанова Хадича, Сурайё ва Нозима исми аёллар билан учрашади. У чақалоқни сотиб олиш учун 2000 АҚШ доллари беради ҳамда гўдакнинг онасидан тегишли тилхатни кўлга киритгач, ташқари-ча чиқади. Шу вақт ички ишлар идоралари ходимларидан иборат тезкор гуруҳ одам савдоси билан шугуланаётган шахсларни жиноят устида кўлга олади.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

«Mahalla» ҳар бир хонадонга!
Хурматли юртдошлар!
Жорий йилнинг 20 сентябридан 31 декабрга қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга! акцияси ўтказилади. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйилган купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.

Таҳририятга келган купонлар жамланб, ҳар ўн кунда бир марта ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан **уч нафар** ютуқ эгалари аниқланади. Ҳар ўн кунлик натижалар газетамизда эълон қилинади.

лаш сўралганида, у ўзининг жорий йилнинг 29 июль кунини туғилган углини фуқаро С.Ҳасановага 1700 АҚШ долларига сотганига ҳамда харидордан шунча пулни санаб олганига иқдор бўлди.

Фуқаролар Сурайё Гозиева ва Нозима Раҳимова эса харидорни Хадича Шукруллаева билан таништириб қўйганлари учун ундан 150 АҚШ долларидан, жами 300 АҚШ доллари олданиларини тасдиқладилар. Туғилганига атиги бир неча кун бўлган бола, ўрнатилган тартибда, Тошкент шаҳридаги болалар уйига топширилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов Бошқармаси мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши очиб, тергов ҳаракатлари олиб бормоқда. Энди қонунбузарлар қилмишларига яраша жазо оладилар.

А.ҚОДИРОВ, ИИБ ЖКваТҚКББ матбуот котиби.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликков
Мусаҳоҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Нашр курсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй.